Гутийлар бўйсиндириб олинган Месопотамияда 125 йил ҳукумдорлик қилган. Маданий жихатдан орқада бўлган гутий қабилалари шу даврнинг охирига бориб тараққий топган Аккад ва Шумер қабилалари билан маълум даражада қўшилиб кетган. Лекин келгиндиларни икки дарё аҳолиси ёмон кўришган. Гутийлар ҳокимиятига қарши қайта-қайта қўзғолонлар бўлиб турган. Шумер келгинди ҳокимларга очикдан-очик қарши чикқан. Урек подшоси Утухегаль гутийлар подшоси Туриканга қарши қўшин тортиб борган. Утухэгал қонли жанглардан сўнг гутийлар устидан қатъий ғалаба қозонган. Гутийларнинг Месопотамиядаги ҳукумронлиги

ана шу тарика тамом бўлган.

Ўрта подшолик даврда Мисрни бирлаштириш учун 2 та йирик сиёсий марказ сифатида шимолда Гераклеональ, жанубда Фива майдонга чикди. Бу икки вилоят ўртасидаги урушлар натийжаси, шусиз ҳам қийналиб яшаётган оддий халққа катта зиён келтирар эди.

Бунинг натижасида оддий камбағаллар ва куллар тез-тез кўзғолон кўтариб туришган. Лекин кўзғолон кўтарганлар унчалик ҳам хамжихат бўлмаганликлари учун кўзғолонлар тезда бостирилган.

Иккинчи савол баёни: Ўрта подшолик даврининг охирида эр.ав.XVIII асрга “Гексослар” деб аталган асиёли қабилалар бостириб кирган Гиксос сўзи грекча “чўпонларнинг хокимлари” деган маънони англатади. Гиксосларнинг Мисрни истило қилиш даври анча узоққа чўзилган процессдир. Ўша вақтд Миср ички жихатданг анча заифлашган, мамлакатда кескин ижтимоий кураш бораётган бўлиб, мамлакат бир неча бўлақларга бўлиниб кетган. Гиксослар мана шу ахволдан фойдаланиб, аста-секин Мисрга кириб келиб, яйловларни босиб ола бошлаганлар. Гиксослар аввал Мисрга тинч йўл билан кириб келган бўлсалар, кейинчалик ҳарбий йўл билан босиб олганлар. Гиксос подшоларидан кўзга кўринган Киан деган подшо бўлган, греклар уни Ианнас деб юритганлар.

Гиксослар Мисрда эр.ав.XVIII асрдан – 1580 й.й ҳукумронлик қилган. Мамлакатни чет эллик босқинчилардан холос этиш, ерли халқни кўзғолон кўтаришларига сабаб бўлган. Камесу вақтида кучайиб бориб, бегоналар ҳукумронлигига қарши озодлик урушига айланиб кетган кўпгина манбаларда камесу Мисрни кутқариш ва асиёликларни ер билан яксон қилишга чақирган, Камесу гексосларга қарши уруш очиб, уларни мағлубиятга учратганлиги тўғрисида асарда айтилган ва уни Мисрни бегоналардан тозалаган миллий қаҳрамон қилиб тасвирлаган.

Учинчи савол баёни: Ўрта Осиё ва Эрон территориясида ёзма манбалар жуда кам топилмаганлиги сабабли бу мамлакатларнинг қадимги замондаги тарихи ҳам етарли даражада ўргатилмаган. Ахмонийлар династиясидан (эр.ав.558-330 й.й) чиққан дастлабки Эрон шахларинингшоҳлик даврига оид озгина миҳсимон Эрон ёзувлари орасида Кермоншоҳнинг Шарқдаги Бехустун қоясига ўйиб ёзилган катта хат жуда муҳим аҳамиятга эга. Кўмбиз ўлганидан кейин кўтарилган кўзғолонни Эрон подшоси Доро I қандай қилиб бостирганини, барча исёнчиларни қандай тор мор келтирганини, сакларга қарши қўшин тортиб бориб, Эрон давлатининг бутунлигини қандай қилиб тикланганлигини ана шу хатда тасвирланган. Эрон баланд ясси тоғли мамлакат бўлиб, уни деярлик ҳамма томондан тоғ тизмалари маҳкам ўраб турган. Жануб ва жанубий ғарбда Эрон полотноси, Шимоли-ғарбда Загр тоғлари, шарқда Брагуй ва Сулаймон тоғлари, Шимолда Копет-тоғ ва Хиндикуш тоғлари Осиёдан Эронни ажратиб турган. Кайхисров I (эр.ав.558-529 йй). Мидияни (547-546 йй) босиб олган Армения (Урарту) Каппозакия, Лидия ва нихоят Бобилни босиб олган. Кайхисров массагетларга қилган юриши фожиа тугаган. (эр.ав.529й.) уни массагетлар подшоси Тумарис енгган. Кўмбиз (эр.ав. 529-523 йй) Мисрни истило қилган.

2-мавзу:Қадимги Юнонистон ва Рим ҳукмдорларининг босқинига қарши озодлик ҳаракатлари (4 соат)

Р е ж а:

1. Македонский истилосига қарши Шарқ халқларининг озодлик кураши.
2. Карфаген ва рим урушлари.
3. Эр.ав. I аср ўртасида Рим консуллариға қарши Спартак бошчилигидаги куллар қўзғолони.
4. Милодий IV асрларда Рим босқинчилариға қарши ғалаёнлар.

Таянч тушунчалар:

Александр Македонский, Чандрагупта, Карфаген, рим, Ганнибал, Иберия, Танни, Пуни, Биринчи Пуни уруши, Иккинчи Пуни уруши, Канна, Спартак, Гладиатор, конли ўйин, Нумизия, Мавритания.

Адабиётлар:

1. Ю.С.Крушкол. “Қадимги дунё тарихи”. 2-қисм. “Т.,”Ўқитувчи”, 1975

Тарихдан маълумки, эр.ав. IV асрнинг ўрталарида иккита йирик давлат мавжуд эди. Бири эрон ахмонийлари давлати бўлса, иккинчиси Филипп II Македонский (359-226 йй) унинг ўғли Александр Македонский бошчилигидаги македон давлати эди. Ҳар иккала давлат ҳам атрофидаги заиф давлатлар эвазига катта-катта мол-мулкларга эга бўлиш ва ўз давлатларининг сарҳадларини кенгайтиришдан иборат эди.

Филипп II Македонский (1356 й) тахтга ўтиргач, македонияда 2та ислохотни амалга оширди.

- 1.Маъмурий ва харбий реформа.
- 2.Пул реформа (ислохот)

Филипп II харбий ислохот натижасида армияни мустаҳкамлагач, мамлакат территориясини кенгайтириш сиёсатини юргизди. “Муқаддас уруш” натижасида Филипп II грек шаҳар давлатларини ўзига қаратиб оласди. Эр.ав. 336 йили Филипп II вафотидан сўнг, унинг ислохотчилик сиёсатини унинг ўғли Александр Македонский юритади.

Александр тахтга ўтирганидан сўнг, авваломбор грецияда ўз қудратини мустаҳкамлаб олади ва шундан сўнг Эронга юриш бошлаш учун тайёргарлик қўради.

Эр.ав. 336 йили бахорида эронга қарши риш бошайди. Бу вақтда Эрон давлатида Доро II (кодомон) подшолик қиларди. Александр қўшинлари эр.ав.334 йил Грани к сойи бўйида Эрон армиясини тор-мор келтиради. Шу билан эрон армияси бутунлай тор-мор келтирилмаган эди. 2-чи марта ўрта ер денгизи шимоли-ғарбдаги Ис деган жойда тўқнашув қилади. Бу жангда ҳам Александр I армиясини қўли баланд келади.

Шундан сўнг македонлар Сурия ва Феникияга юриш қилди ва бу жойларни босиб олади. Александр Финикиядан сўнг эр.ав.332 йилда Мисрни босиб олади. 331 йилд Месопотамияни забт этади.

Товгамела ёнидаги жангда эрон қўшинлари тор-мор этилади. Хатто Александрнинг буйруғи билан Ксерксни хашаматли саройи, Греция-Эрон урушининг интиком нишонаси сифатида ёкиб юборилади. Доро III ни Бактрия сатрапи Бесс ушлаб олиб ўлдиради.

Шундан сўнг Александр Македонский Ўрта Осиёга юриш қилади ва икки илга яқин вақт мобайнида Ўрта Осиёни қўлга киритади. Македон ҳокимиятига қарши кўтарилган энг катта қўзғолон Спитамен қўзғолони эди. Спитамен сўғд қабилаларини ўз атрофига тўплаган эди. Бироқ, Александрнинг найранглариға учган баъзи қабилалар Спитамен жанги вақтида ташлаб кетади. Натижада Спитамен қўзғолони бостирилади. Шундан сўнг жуда кўплаб сўғд қишлоқлари македонлар томонидан яқсон қилинади ва ёндирилади. Бактрия ва Суғдиёна бўйсундирилгач Александр Хиндистонга йўл олади. У Хиндистонни қўлга киритиб Ганг водийсига қадар етиб

боради.

Шундай қилиб Болкон ярим оролидан то Хиндистон территориясига қадар янги улкан давлат ташкил топади.

Александр Македонский мана шундай катта давлатни вужудга келтиришда жуда кўп жойларда, халқларни қўрқувда ушлаб туриш қўзғолонлар вужудга келмаслиги учун қаттиқ жазо чораларини қўллайди. Бу эса барибир халқларнинг ҳақли равишда грек-македонларга қарши озодлик ҳаракатларини вужудга келтирди.

Иккинчи савол баёни: Эр.ав. III аср ўрталарига келиб, ўрта денгиз ғарбида кўпдан бери ҳукумронлик қилиб келган Карфаген давлати ва эндигина ташкил топган Рим кулдорлик конфедерацияси бу ернинг энг кучли давлатларидан бири эди. Карфаген ҳам Рим ҳам агрессив ташқи сиёсат олиб борган.

Халифаликда қулларнинг аҳволи нихоят даражада оғир эди. уларни ҳаддан ташқари вахшиёна суратда эксплуатация қилишарди. Бунинг натижаси ўлароқ задагонлар манфаатини ҳимоя қиладиган халифаликка қарши бир неча маротаба қўзғолон кўтарилди.

Боғдод халифалиги давридаги қўзғолонлар кишини хайратнатирарли даражада бўлиб, ҳатто баъзида қўзғолон бутун-бутун округларни ўз ичига оларди. Чунончи, Мансур Халифа ўлганидан кейин орадан кўп ўтмай Ўрта Осиёда деҳқонлар катта қўзғолон кўтарди. У 776 йилдан бошлаб, 783 йилда тамом бўлди. Бу қўзғолонга Марв шаҳри атрофидан чиққан Муқанна (чодир ёпинган одам) лақабли Хошим Ибн Хаким деган бир киши бошчилик қилди.

3-мавзу: V–X асрларда Европа ва Осиё халқлари

Р е ж а:

1. Буюк Карл истилочилик сиёсати ва унга каарши курашлар.
2. Арабларга Қарши халқ қўзғолонлари.
3. Хитойда Тан сулоласининг Турк ҳоконлигига Қарши уруш ҳаракатлари.

Таянч тушунчалари:

Франклар. Буюк Карл, Сак кабилалари, Халифалик. Уммавийлар, Аббосийлар, Бобек, Муқанна, Тан сулоласи.

Ҳозирги Европада қадимда 3та варвар гуруҳи мавжуд эди:

- 1.Келтлар. Германия ва Франция (галиялар) Испанияда (нелтибар) Ирландияда (ирлар) Англияда (бриялар), Швецияда. Шимолий Италияда.
- 2.Германлар. Шимолий Европа Скандавияда.
- 3.Славянлар.

Карл Буюк Хараменглар династиясининг энг атокли намоёндаси эди. (Дин-я ҳам унинг номи билан аталган). У 46 йил ҳукумронлик қилди. (768-814 йй) Карл ката саркарда ва истилочи эди. Таркиб топаётган франк феодал давлати Карл даврида жуда ката агрессив сиёсат юргизди. Жуда кп жойларни истило қилиб, Карл Буюк жуда ката бир давлатга бошлик бўлди.

Карл Буюкнинг шахсан ўзи 50дан ортиқ юришда қатнашди. У аввало 773-774 йил Лангбардларга ыарши уруш очди ва Лангбардлар (Италиянинг шимоли) пойтахти Павияни босиб олди. У ердга ўз у-ли Пипинни вице-карол этиб тайинлади. VIII аср 70-йилларида Испанияга юриш ыилиб Переней тоғлари ва Эбра дарёси уртасида Барселонра графлигини ташкил этди.

Карл Буюк турушларнинг купини шарқда Марказий Европада Оли б борди. У саклар би лан бўлган урушга айниқса куп куч сарф қилдир. У уруш қаттиқ бўлиб, 30 йилдан ортиқ (772-804)давом этди. Франкларни ҳисобга олмаганда саклар Гарбий

Германияда яшаган кабилалар ичида энг каттаси эди.

Франклар уз олдиларига саклар ерини босиб олиш ва узини крепостнойларга айлантиришни мақсад килиб куйди. Яна бир сабаби франклар Балтика денгизига чиқишни мақсад килиб куйган эди. Карл сакларни дастлаб VIII асрнинг 70-йилларида буйсундирилди. Аввал гарбий саклар – вестфаллар уларнинг кетидан остфал ҳам буйсундирилди. Карл буйругига асосан хама сак кабилалари Христиан динига утди. Хама жойларда черковлар курила бошлади. Саклар черковга уруш (3%) тулашга мажбур эдилар.

Лекин шундан кейин тез орада 778 йил саклар бир неча бор ката кузголонлар кутардилар. Бу кузголонлардан кузланган макс ад франклар зулмидан холос булиш эди. Карл бу кузголонларни жуда рахмсизлик билан бостирди. Минглаб саклар катл этилди. Кузголончиларнинг купу кулга айлантирилди. Ката сакларнинг задогонлари ҳам кузголонларга кушилган. Герцог Видукинд (вестфол) кузголончиларга хиёнат килди.

Иккинчи савол баёни: Араблар тарихи одатда уч даврга:

1)Мака-Мадина даврига – Ислом дини пайдо булмасдан илгари. Арабистон ва И слом динининг пайдо булиш даврига (6-7 аср).

2)Дамашк (Сурия) даврига – уммавийлар династиясини идора килиш даврига (661-750).

3)Богдод (Эрон-Мисопотамия) даврига – Аббосийлар династиясининг идора килиш даврига (750-1055) булинади.

Араблар кучманчи (бадавий) араблар ҳам, утрок араблар ҳам жуда куп уруг ва кабилаларга булинган эди. Хаар бир кабиланинг уз диний маросимлари бор эди. Хокимият факат Шайх ва Саидлар кулида эди.

Мухаммад (570-632) курайш кабиласига мансуб булган ва камбагаллашган хонадондан чиккан, курайш кабиласи маккада хукмрон эди. Мухаммад дин таргиботчиси сифатида 60 йилларда майдонга чикди. У кабилалар уртасидаги узаро уруш жанжалларни тухтатишни талаб килди, уруг ва кабилаларнинг бир бирларидан касос олишларига Карши чикди.

Янги «ислом» динининг беш фарзи мавжуд эди.

1)Оллохга ишониш.

2)Хаар куни албатта беш вақт номоз уқиш;

3)Йлда бир маара рамозон ойида Руза тутиш;

4)Закот (камбагалларга улуш) бериш;

5)Хаж килишдан иборат.

Мухаммаднинг якка худоликни таргиб килиши унга уз кабиласида ҳам купчи ли кнн душман килиб куйди. Мухаммад кушни Ятриб шахрига утиб кетишга мажбур булди. Шундан кейинр Ятриб шахри Мадинаи-ун-Наби яъни пайгамбар шахри деб атала бошланди. «Ислом» деган Суз банда демакдир. Мухаммаднинг энг якин ворислари халифалари араб харбий жамоас ининг сайлаб куйиладиган бошликлари Були б, улар диний, харбий ва фукаролик хокимиятини уз кулларига олган эдилар. Уларнинг кароргохи Мадина шахри эди. Бу шахслар Мухаммад а.с. хамфикирлари эди. 632-661 йй даврида бирин-кетинАбубакр, Умар, Усмон ва Али идора килди. Буларнинг ичида 2-халифа Умарнинг (634-644) идора даври жуда ката ахамиятга эга эди. У даврда араблар Сурия, Фаластинни, Мисрни, Эронни босиб олдилар. Араблар бирлаштирувчи мафкураларни байрок килиб чиьардилар. Мухаммадни нг ворисларидан учинчиси – халифа Усмон (644-656 йй) эди. У Мака задогонларининг одами булиб шу Билан бирга Сурия араблари ҳам куллаб-кувватларди. Сурия ноиби Муовия Усмонга якин кишилардан эди. Мадинага эътибори тушибкетган Усмон фитначилар томонидан улдирилди. Унинг урнини Мухаммаднинг куёви Али эгаллади. Сурия ноиби Муовия унга Карши бош кутарди. 661 йилда халифа Али бир хорижит (илк мусс улмон мазхаби) томонидан улдирлди. Муовия узини халифа деб

эълон килди. Муовия даврида араб халифалиги кенгайтирилди. Хива, Бухоро, Афғонистон, Хиндистон, Грузия билиб олинди. Муовия уммавийлар династиясига асос солди. Мусулмонлар олами уммавийлар даврида бир-бирига душман бўлиб мазҳабларга ажради.

1.Сунийлар – содик мусулмонлар.

2.Шиолар – яни маслагидан кайтдилар. Мерон, Миср, Месопотамияда.

3.Хорижийлар – бу ҳеч қайсини тан олмайди. Улар ерни тенг тақсимлаш керак деб талаб қуяди.

Уммавийлар – Дамашк халифалиги 90 йил умр куради.

Эрон ва Месопотамияда я зодогонлари бирлашиб уммавийлар халифалиги ағдарилди. Халифалик тахтини Абул-Аббос қонхур эгаллайди. У узини Мухаммадга қариндош деб даъво қилади. Аббос Янги династияга – Аббосийлар династиясига асос солди. Бу династия 750-1055 йилгача идора қилди. Аббосийлар даврида араб давлати жуда ҳам тараккий топди. Богдод халифалиги VIII-IX асрларда қучли эди.

Аббосийлар:

1.Мансур (754-775)

2.Хорун ал-Рашид (786-809)

3.Ал-Маъмун (813-809)

4.Мутаид (892-902)

Араблар ҳукумронлигининг илк даврида анча енгил тортган меҳнатқаш аҳолисининг аҳоли қайинчалик оғирлашиб борди. Дехқонлар қисман натура шаклида қисман пул билан қата-қатта солиқлар тулар эди. Амалдорларнинг эзбошимчилиги ва жабр-зулми, дехқонларнинг ҳуқуқсизлиги ва ҳимоясизлиги уларни ҳақиқатда ярим қул ҳолига солиб қўйган эди.

Халифаликда қулларнинг аҳоли низоъ даражада оғир эди. Уларни уларни ҳаддан ташқари ваҳшиётна суратда эксплуатация қилардилар. Бунинг натижаси уларок задогонлар манфаатини ҳимоя қиладиган халифаликларга Қарши бир неча маротаба қўзғолон қутарилди.

Богдод халифалиги давридаги қўзғолонлар қишини ҳайратлантирадиган даражада бўлиб, ҳатто базада қўзғолон бутун-бутун округларни эз қишга оларди. Қунончи. Мансур халифа улганидан қайин орадан қўп утмай Урта Осиёда дехқонларнинг қата қўзғолони қутарилди. У 776 йилда бшқиб, 783 йилда томон бўлди. Бу қўзғолонга Марв шаҳри атрофидан қикқан Муқанна (қодир ёпинган одам) лақабли Ҳошим ибн Ҳаким деган бир қиши бошқилик қилди.

IX асрнинг бошида Озарбойжонда ҳам дехқонларнинг иккинчи қата бир қўзғолони қутарилди. У қайин Эронга ва Закавказининг бошқа қойларига тарқалди. Бу қўзғолонга Бобек деган бир қиши бош бўлиб, у ҳам эркин қамоа тартибларининг тикланишини талаб қилди. Бу қўзғолон 20 йилдан ортиқ давом этди. (815-837 йй).

IX асрнинг охири X асрнинг бошларида халифаликнинг қанубида дехқонлар ҳаракати қутарилди. Бу ҳаракатга Қармат деган дехқонлар республиқасини тузишди. Бу республика X асрнинг охиригача умр қурди.

Қарматлар ҳаракати билан бир вақтда Басра атрофида қул занқиларнинг жуда қатта қўзғолони бўлиб, бу қўзғолон 14 йил (869-883) давом этди. Занқиларга Шиа Али ибн Мухаммад бош бўлди.

Учинчи савол баёни: Илк урта аср қамонида Қитойни бирлаштиришга биринчи бўлиб Қуй династияси уринди. Унинг асосқиси Янцзянь 589 й. Бутун шимолий ва қанубий Қитойни босиб олди.

618 йил Шимолий-Қарбий Қитойнинг қнзларидан бири Ли-Юань ёки Гаоцзу (қалатурк) империяда ҳоқимиятни босиб олди. ТАН династиясига асос солди. Тан империяси Қитойда 300 йилга қйин, қъни 618 йилдан 907 йилгача қшади. Унинг қойтахти Чанъань (қозирги Сиань) VIII асрда унинг аҳолиси 1млн.эди. Мамлақатнинг иккинчи қойтахти Лоян шаҳри бўлиб у ҳам қата савдо марқазини эди. У династиянинг

энг кучли императори Ли Юаннинг вориси Ли-ши-шин (626-649 йй) эди. У бир неча юришлар эвазига империи я территориясини кенгайтириб олган.

Дехконларнинг хаддан зиёд огир хаёти IX асрнинг иккинчи ярмида уларни нг нияотда катта кузголон кутаришига сабаб булди.

Бу кузголон 875 йилдан 884 йилгача давом этди. Кузголонга илгари чакана тузфуруш булган кейин император гвардиясига салдат булиб хизмат Ки лган Хуан Чао деган киши бошчик килган 875-884 йй-ги Хитой дехконлари кузголонининг кишини хайратга соладиган томони шуки, у анча узок вақт давом этди . Кузголонга жуда куп киши катшанди. Бу кузголон умуман олганда ахамиятли булсада, бир кадар уюшган ҳаракат эди. Кузголон Шаньдун ва Хебей деган шимолий вилоятларда бошланди. Хуань Чоони кул остида 10 мингга якин дехконлар бор эди. Кейинчалик 880 йилларда бу курсаткич 250-300 минг кишига етди. У Чаньонни булиб олди ва узини император деб эълон килди. 884 йил Тан императори уйгурлар, тангутлар, кабилалари Билан кайтиб келиб кузголонни бостирди.

4-мавзу: Жаҳон халкларининг XI-XVI асрларда мустамлакачилик сиёсатига қарши озодлик қурашлари

Р е ж а:

- 1.Француз халкларининг босқинчиларига Қарши қурашир. (XIV-XV аср).
- 2.Русда мугил-татарлар ва бошқа босқинчиларга Қарши озодлик ҳаракатлари. (XIII-XV аср).
3. XV аср охири – XVI асрларда Европаликларнинг мустамлакачилик сиёсати.

Таянч тушунчалари:

Юз йиллик уруш, Жакерия кузголови, Жак, Жанна, Арк, нормандлар, Мугул татарлар, Ботухон, Александр Ярославич, Александр Новский, Князь Суздаль, Чуд кули, буюк географик кашфиётлар, колония, Нунес Болбао, Майя давлати, Атцтеклар.

Людовик VI (1108-1137 йй) Людовик VII (1137-1180 йй). Филипп 2 Август (у Люд.угли 1180-1223йй) Франция ерларини бирлаштиришда ката ютуқларга эга булди. Филипп-2 неб.Людовик IX Авлиё (1226-1270 йй).

XIII асрда Францияда кишлокнинг ахволида кузга қуринарли узғаришлар юз берди. 16 аср урталарида Француз кишлокларидаги дехконларнинг оммавий ахволининг ёмонлаша бориши заминида куплаб ҳар қанақанги маҳаллий жанжаллар ва дехконларнинг сеньорларга Қарши чиқишлари юз бериб турди. Дехконларнинг бу чиқишлари базан оммавий тус олиб бутун бутун вилоятларни уз ичига олган оммавий ғалаёнларга айланиб кетарди. Франциянинг анчаги на қисмига ёйилган бундай йирик кузголонлар жумласига 1251 чупонлар ҳаракати номи Билан машҳур булган ҳаракат қиради. Бу ғалаёнга «венгриялик муаллим» Яков деган шахс раҳбарлик қилади. Дехконлар ҳаракатининг сони 100 мингга етган. Лекин бу ҳаракатнинг яхши уюшмагани бирор бир аниқ макс ади йуқлиги, ҳарбий ишда тажрибаларининг йуқлиги бу ҳаракатнинг барбод булишига олиб келди.

Людовик IX капетинглар династиясининг учинчи йирик вакили эди. Филипп-4 Рим папасининг ваколатларини чеклаб қуйди. Папа Бануфаций-8 вафоти дан сунг, француз архиепископи Климент-5 унинг урнига утирди. Климент-5 римдаги тазийклардан қучиб, уз резиденциясини Парижга қучирди, бу ерда 70 йил давомида истикомат қилишди.

Франция билан Англия ўртасида 1337 йилдан 1453 йилгача гоҳ тўхтаб, гоҳ давом этган 100 йиллик уруш ҳар икки қўшни феодал давлатининг тўқнашуви бўлиб,

иккаласи ҳам сиёсий жихатдан анча-мунча моддий маблағларни қўлга киритган эди. Урушдан мақсад ҳар икка давлат ҳам Англия феодаллари Нормандия билан Анжунни қўлдан чиққанини унута олмаса, француз инглизлари феодаллар қўлида қолиб кетган Аквитаниядаги мулкларини қайтариб олиш эди. Яна бир сабаби француз герцоглиги можораси эди.

Энг асосий сабаби Филипп-IV га хотин томонидан набира бўлиш инглиз кароли Эдуард-III француз тахтига қуллар давоси урушнинг бошланишига сабаб бўлди. Бу урушда инглизларнинг қўли баланд келди.

1358 йил баҳорида, Парижнинг шимолидаги районда деҳқонларнинг катта қўзғолони тайёрланар эди. Бу қўзғолон Жакерия қўзғолони деган ном олди. Деҳқонлар харакатининг асосий сабаби феодал системасининг емирилиши, феодал крепостниклик эксплуатациясининг ўсиб кетиши. 1358 йил Бове округида деҳқонларнинг янги қўзғолони кўтарилди. Қўзғолонга Гилгом Каль деган киши бошчилиқ қилди.

Карл-VI даврида шаҳар қўзғолонлари орасида энг йирик қўзғолон – кабошчилар қўзғолони эди. Бу қўзғолон 1413 йил 27 апрелда Парижда бўлди. Симон кабош қўзғолонга раҳбарлик қилди.

Чўзилиб кетган уруш каролликка қарашли асосий районларнинг душман томонидан босиб олиниши Бургундия феодалларининг хоинлик сиёсати – буларнинг ҳаммаси Франция халқ оммасини ташвишга ва таҳликага солди. Турли жойларда интервентларга қарши халқ бош кўтариб чиқа бошлади. Ана шундай чиқишлардан бири деҳқон қизи Жанна Дарк номи билан боғлиқ бўлиб, у урушнинг боришига катта таъсир кўрсатди. Жанна Дарк ўзига деҳқонларни эргаштириб инглизларга қарши курашди. Ҳатто бир неча маротаба ғалаба қилди ҳам. (1429-1431). Лекин хоин бургундияликлар катта пул эвазига инглизларга, Жанна д'Аркни ушлаб бердилар. Инглизлар Жаннани “сеҳргарликда” айблаб 1431 йил 30 майда Рацидаги майдонда ўтда куйдирилди.

XIII аср бошида Марказий Осиёда муғул қабилалари орасида давлат вужудга келди. Бу давлат кейинчалик Осиё ва Европа халқлари тарихида салбий роль ўйнади. Муғул феодаллари ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ниятида 1206 йил Онон дарёси бўйича қурилтойга йиғилди ва шу қурилтойда Темучинни Чингизхон номи билан бутун муғулистон хони, улуг хон деб эълон қилди.

XIII асрда рус халқига муғул-татар истелочиларининг босқинчилигига қарши каттиқ кураш олиб боришга тўғри келди. Айни замонда рус ерларини ҳамда Болтиқ бўйи халқларининг ерларини ғарб томондан немис, шқед, дания феодаллари, шунингдек, Венгер ва поляк феодаллари бўлиб олмоқчи эдилар.

Немис салибчи-феодалларининг Шарқий Болтиқ бўйига бостириб кириши XII асрдаёқ бошланган эди. Бу босқинчилик уларнинг “Шарққа хужум қилиш, яъни шарқий Европа халқларининг ерларини босиб олишдан иборат томолчилик сиёсатининг босқинчиларидан бири эди.

Немис босқинчилари ливлар яшаган Ливонияни босиб олишган бўлса Дания кароли эстонларни босиб олди.

Русга шарқдан яна бир катта хавф яқинлашиб келаётган эди, бу хавф муғул-татар босқинчилари эди. 1222 йилга келиб улар то Кавказ халқларини ҳам забт этиб бўлган эди. муғул-татарлар билан рус князларининг илк тўқнашуви 1223 йил 31 майда Калка дарёси бўйидаги жангдир. Бу жангда рус князлари мағлубиятга учради.

Муғул татарлар бутун рус князларини ўзларига бўйсундириш мақсадида катта тайёргарлик кўра бошлади. Кўп сонли қўшимча Чингизхоннинг невараси Жўжнинг ўғли Бутухон бошлиқ қилиб қўйилган эди.

Волга булғорлари муғулларга доим қарши курашиб келар эди, уларга Владимир-Суздаль князлиги ёрдам бериб келар эди.

1237 йил Рязанни босиб олди. 1238 йил Москвага яқинлашиб келдилар ва

босиб олишди. Ундан ташқари жанг русларнинг 14 шахрини босиб олди.

1939 йил кузида Ботухон рус устига янгидан юриш қилди, энди Жанубий ва жанубий-Ғарбий рус томонига қараб юрди ва бу юришда Перясловл ва Чернигов олинди.

1239 йилнинг охирида Қиримни босиб олди.

1240 йил Киев устига юриш қилиб, Киевни ҳам забт этишди. Шундай қилиб, 1237 – 1240 йиллари муғул-татар босқинчилари бутун рус ерларини босиб олдилар. Лекин муғулларнинг бутун европани босиб олиши режасини амалга ошмай қолишида русларнинг катта хиссаси мавжуд.

Чунки, муғул-татарлар русни босиб олишда ўзлари ҳам жуда катта талофат кўрган эди.

1240 йилга келиб муғул-татарлар бутун русни босиб олганидан сўнг, муғуллар рус ерларини аёвсиз талади, бунинг натижасида мамлакатнинг турли жойларида муғулларга қарши кўзғолон бўлиб ўтди. Бунинг натижасида бутухон бундай вазиятда Европанинг ичкарасига кириш ярамаслигини тушуниб, 1242 йилда шарққа қайтариб олиб кетди.

Муғул татарларининг босқинчилиги ва руснинг анчагина қисмининг овгорлигидан немис, швед ва бошқа босқинчилар фойдаланиб қолмоқчи бўлдилар, рус ерига ғарб томонидан хужум қилдилар.

Мана шундай бир вазиятда Владимир-Суздалнинг янги князи Ярослав Всеволодович ва унинг ўғли Новгород князи Александр (1219-1263) шошилинч чоралар кўрди.

Русга хужумни биринчи бўлиб Швеция бошлаб берди. Уларнинг бу юришидан Нева ва Лодогани босиб олиш, омад келиб қолса Новгород князлигини ҳам босиб олиш эди.

1240 йил 15 июлда русларнинг қўқисдан хужуми шведларнинг қосиб кетишига олиб келди. Бу ғалаба княз Александрни ҳамма “Невский” деб атайдиган бўлди.

1240 йилда Ливония қалҳаларининг ҳаммасидан тўпланган немис ва дания феодаллари Русьга юриш қилдилар. Хони боярлар Псковни уларга топширди. Новгородда Александр ва боярлар ўртасида келишмовчилик келиб чиқди. Шундан сўнг Александр шаҳарни ташлаб чиқди.

Шундан сўнг шаҳарда халқ харакати бошланиб, вегенин талаби билан Александр чақирилди.

1242 йил 5 апрелда Чуд кўли устидаги жангда Александр қўшини катта ғалабага эришди. Бу жанг тарихда машхур муз устидаги жанг номи билан характерлидир.

5-мавзу: XVIII-XIX Шимолий ва Жанубий Америкада мустақиллик курашлари. (2 соат)

Р е ж а:

1. XVIII асрда Шимолий Америкада мустақиллик учун кураш.
2. Мексикадаги озодлик кураши.
3. Лотин Америкасида мустамлакачилик зулмига қарши халқ ҳаракатлари.

Таянч тушунчалар:

Жорж Вашингтон, Филоделфия, Ирокезлар, Бустон чойхурлиги, Мичел, Идолга, Хосе Маролес, Симон Боливар, Туссен-Ливертюр, Тунак Амару.

Адабиётлар:

1. Б.Ф.Поршнев., С.Д.Сказкин. “Янги тарих”. I-том (1640-1789). Т., “Ўқитувчи”, 1967.

Тарихчиларнинг тахминича, Американинг дастлабки аҳолиси hozirги индеецларнинг ва эскимосларнинг бундан 20-25 минг йилга олдин Осиёдан келган влод аждодлари бўлган.

Колумб Американи очганидан сўнг кўп ўтмай қитъа систематик тарзда мустамлакага айлантрила бошланди. XVII асрнинг бошида Испания Шимолий Америкада Флоридани, Техас, Калифорния, Мексикани, булардан ҳам олдинроқ бутун Марказий ва Жанубий Американи босиб олди. Французлар Канадада (1604 й), Миссисипи дарёси хавзасида – Луизианада (1699) ўрнашиб олдилар.

Шимолий Америкада инглизлар доимий мустамлакага айлантриши 1607 йилдан бошлаб, яъни Виргиния деб номланган мустамлака барпо қилгандан кейин бошланди. 1620 йил Нью-Плимутга асос солди. Нью-Гемшир (1622й) массагусете (1628й), Род-Айленд. (1636-1643й). Бу мамлакатларни Янги Англия деб аташарди.

Бошқа мамлакатларнинг Шимолий Америкадаги мустамлакаларига қараганда, инглизларнинг аҳолиси тезроқ кўпаймоқда. Бунга сабаб Англияда деҳқонларнинг ердан махрум бўлиши ва диний таъқиб эди. Англия Шимолий Америкада ўз рақибларини бирма-бир енгиб 1664 йил Голландиянинг янги Амстердамини бўлиб олди. 1754 йил Англия ва Франция ўртасида 7 йиллик уруш бўлиб ўтди ва бу урушда французлар мағлубиятга учради. Канадани топширди. Испаниядан Флоридани тортиб олди.

Мустамлакачилик ғарб томонга қараб экспансияни давом эттирди. Индеец қабилаларига қарши тўхтовсиз кураш олиб борди. Инглизлар Шимолий Американи ўзлаштириш билан бирга индеецларни шавқатсиз қириш билан борди. Ҳар 2 томон ўртасидаги уруш 12 йил (1622-1634й) давом этди. 1637 йилда бошланган уруш Пеко қабиласини қириб ташлади. 1640-1646 йилларда колонистлар Лонг-Айлендда ва Гудзон дарёси бўйларида индеецларга қарши шавқатсиз қирғин уруш олиб борди.

XVIII асрнинг биринчи ярмида (1711-1763) тўхтовсиз олиб борилган урушлар натижасида Аллечангача бўлган индеец қабилалари тор-мор этилди. Шимолий шарқдаги Моговка воҳасидаги Ирокез қабилаларининг кучли итифоқи жасурликка ва уюшқоқлик билан олиб борган кураши натижасида ўз мустақиллигини сақлаб қолишга мувофиқ бўлдилар.

Мустамлакалардаги аҳолининг кўпчилик қисмини “асоратга тушган хизматкорлар” оқ танли ишчилар ва негр-қуллар, жанубда эса аҳолининг деярли 40 процентини негр қуллар ташкил этар эди. Негр қулларга уша вақтда “жонли инвентор” деб қоралар эди.

1765 йилда Англия ҳукумати мустамлакаларига қарши 2та қонун қабул қилди:

1.қўшинларни жойлаштириш

2.Герб солиғи

Бу қонунлар мустамлакаларда жуда катта ғзаб уйғотди. Бу ҳаракатлар оммавий ғалаёнларга айланиб кетди. Мустамлакалардаги қонун чиқарувчи мажлислар мустамлакалар вакиллари конгрессини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Конгресс 1765 йил 7 октябрда Нью-Йоркда очилди. Бунга қарши Англия ҳукумати мустамлакаларга нисбатан 1768 йил Бустон портига харбий кучлар ортилган кема етиб келди.

Шарқий районларда айниқса Массагусетсда ишчилар, хунармандлар ва фермерлар метрополиянинг актив қисми эди. 1768 йил Масагусеста оқтанли қуллар ғалаён кўтарар эди. Бостонда 1770 йил 5 мартда қўшинлар ва аҳоли ўртасида тўқнашувда бир қанча ишчилар ўлдирилди. Бу эса халқ ҳаракатининг кучайиб кетишига сабаб бўлди. (Бостон қотиллиги).

1770 йилдан бошлаб инглиз чойини сотиб олишга қарши кураш давом этди.

Бостонда бир группа шахслар кемага чиқиб олишиб, бир той чойини денгизга улоқтирганлар. (буни бостонча чой ичиш деб ҳам аташади.

Бундан Лондондагилар уруш олиб бориш учун фойдаландилар.

Мустамлакаларда революцион вазият юзага келди. Англия ҳукумат маъмурлари бу зиддиятларни янада кескинлаштирувчи қонунлар қабул қилди. Колонисларнинг бўйсунishi ёки кураш бошлашдан бошқа иложиси қолмаган эди.

Массагусетедан ташкил этилган “хуррият фарзандлари” жамияти жуда катта роль ўйнади.

Ғарбда – кентукки ва Генессидан ҳарбий тўқнашувлар 1774 йил октябрдаёқ бошланиб кетган эди. Шимолий Королинада 1775 йил апрелининг бошларида ватанпарварлар билан Лоялистлар ўртасида уруш авж олиб кетди. Мессопотамияда халқ қуролланмоқда, милиция ҳарбий ишни ўрганмоқда эди. Оқ танли қуллар, ишчилар, балиқлар, камбағал фермерлар, негрлар “озодлик лагери” деб аталган қўзғолончилар лагерини мунтазам равишда тўлдириб турди.

Миллий мустақиллик идеяси ҳали урушдан олдинроқ пайдо бўлган эди ва мустамлакалар ривожланиб борган сари бу идея ҳам мустахкамланиб борди. Халқнинг ва буржуа демократларнинг мустақиллик ҳақидаги талаблари клубларда, газеталарда борган сари кенгроқ янграмоқда эди.

Миллий мустақилликни пропаганда қилишда 1776 йил январидан “Тетик фикр” деган помфлект катта роль ўйнади. Унинг автори орқали буржуа революцион республикачи демократ Томас Пейн (1737-1809) эди.

Конгресс иккиланиб турганида Шимолий Королинада ва бошқа мустамлакаларда 1776 йил апрел-майда Англияда мустақил бўлганини эълон қилди.

Нихоят, 1776 йил июлида конгресс узок вақт давом этган шаклланиш ва мунозаралардан сўнг 13 штатнинг мустақиллиги тўғрисида Декларация қабул қилди. 1782 йилга келиб Англияда урушни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1787 йил 25 майдан - 17 сентябргача АҚШ конституцияси қабул қилинди.

АҚШ мутафаккирлари – Ж.Вашингтон, А.Гомилтон, С.Адамс, Томас пейн, Франклин, Жефферсон, Л.Генри. Рандольф.

6-мавзу: XVI-XIX асрларда Европа давлатларининг мустамлакачилик сиёсати ва унга қарши халқ ҳаракатлари (4 соат)

Р е ж а:

1. Наполеон Бонапарт истилосига қарши кураш.
2. Хитойда “Афюн уруши”. Тайпинлар қўзғолони.
3. Ҳиндистонда 1857-1859 йилларда халқ қўзғолонлари.
4. Европа мустамлакачиларига қарши кураш (Эрон ва Афғонистон).

Таянч тушунчалар:

Наполеон, Афюн уруши, тайпинлар, Бобурийлар империяси, Ост-Индия, Сафавийлар, Бобийлар қўзғолони, Шижоулмулк;

Адабиётлар:

1. “Янги тарих” 2-қисм. (1789-1870). Т., 1960й.

1804 йилнинг 18-майда сенат Наполеон Бонапартни французларнинг меросий императори деб эълон қилди Империя эълон қилинганидан сўнг, дабдабали сарой вужудга келтирилди. Саройда сарой унвонлари қайта тикланди. Наполеондан мулклар

олган янги дворянлар ҳам пайдо бўлди. Бу янги дворянлар ерларнинг бир қисмини Франциянинг ўзидан, бир қисмини Францияга қарам мамлакатлардан олган эдилар.

Наполеон Франциянинг урушлари очикдан-очик босқинчилик урушлари эди. Наполеон урушларидан кузатилган асосий мақсад буржуа Франциясининг харбий-сиёсий ва савдо-саноат жихатидан европа ва мамлакатларда устун бўлиши учун курашдан иборат эди.

Француз кўшинлари ғалаба қозонган жойларда Франция истило қилган территориялар Францияга қўшиб олинди ёки тўғридан-тўғри Францияга қарам қилинди. Енгилган давлатлар француз саноатчилари учун фойдали бож тарифларини қарам ва ярим қарам қилинди. Наполеон ҳукумати қарам ва ярим қарам мамлакатлардан саноат учун хом ашё ташиб кетиш билан бирга контрибутция (харбий товон) тўлашга мажбур этиш, мусодара қилиш тариқасида тўғридан-тўғри талаш йўли билан жуда катта пул маблағлари олар эди.

Наполеон шак-шубҳасиз жуда истедодли саркарда эди. Аммо у буюк саркардалик истедодига эга бўлиш билан бирга ўта мансабпараст, ўта кетган принципсиз, хаддан ташқари раҳмсиз эди. Француз империясининг энг хавфли ва энг дахшатлимухолифлари бўлган Англиянинг ва Россиянинг кучлари синдириб ташланмас экан, Наполеон Франциянинг европа қитъасидлаги ҳамма истилолари мустақкам бўлмас эди. 1803 йилнинг кузидан бошлаб французлар Англияга қарши уруш ҳаракатларини бошлаб юборишди.

1805 йилда Францияга қарши янги (3) коалиция тузилиб, унга Англия, Россия, австрия ва Неопол кароллиги кирди. Денгизда Англиянинг кучли флоти, французлар устидан ғалабани қўлга киритаётган бўлсада курукликда французлар коалиция кўшинлари устидан ғалаба қозондилар. 1805 йилнинг охирида Француз кўшинлари Австрияни қўлга киритди.

Француз окупантлари 1807-1808 йиллари Испания ва Португалияни босиб олдилар, лекин бу ерларда Французлар кўп вақт қола олмади, чунки француз босқинчиларига қарши халқнинг миллий озодлик уруши кучайиб кетди, уларни инглиз харбий эскадраси қўллаб-қувватлаб турди.

Наполеон Францияси территориялар босиб олишни давом қилдирди. 1809 йилда Наполеон Римни ўз империясига қўшиб олди. 1810 йилда Голландия Франция империясига қўшиб олинди. 1811 йилнинг бошларида Шимолий денгизнинг ҳамма соҳили (Гомбург, Бремн, Любек) каби эркин шаҳарлар, Олденбург герцоглиги Франция империясига қўшиб олинди.

1812 йилда Наполеон империясининг 75 млн. аҳолиси бор эди, бу эса Европа қитъасидаги аҳолининг деярли ярмини ташкил қилар ва революциядан олдинги Франция аҳолисидан қарийб уч баровар ортиқ эди. (26млн.) Франция империясининг чегараси шимолга, шарққа, жанубга қараб анча сурилган эди. Белгия ва Голландия, Рейн дарёсининг Сўл қирғоғи, Шимолий денгизнинг ҳамма соҳили, Соя ва Ницца, Шимолий ва Ўрта Италиянинг анча қисми, Француз империяси ташкил қилинар эди.

Франциянинг босқинчилик юришлардаги уруш ҳаракатлари босиб олиниб қарам қилинган мамлакатларнинг меҳнаткаш халқи зиммасига тушар эди. Бу эса тобе ва қарам мамлакатлардаги француз маъмурларининг агрессив ва деспотик сиёсатиг қарши қаратилган норозилик ҳам кучайди.

Германияда, Италияда ва Франция асоратга солган бошқа мамлакатларда миллий озодлик ҳаракати тўхтамай давом этаверди.

Германияда жуда катта аккупацион армия туришига қарамай, бу ерда чет эллик босқинчиларга қарши очилган уруш алангаси тобора кучая бошлади. Аммо европ халқларининг француз ҳукумронлигини ажратиб ташлаш йўлидаги ҳамма урушлари узоқ вақтгача муваффақият қозона олмади. Бу урушлар наполеон армияси 1812 йилда россияда жуда қаттиқ мағлбиятга учрагандан кейингина муваффақият қозонди.

1812 йилга келиб Франция ва Россия ўртасида урушнинг муқаррарлиги ойдинлаша

бошлади. Бунга бир нечта кичик сабаблар ҳам бор эди. Масалан: подшо Александр I нинг яқин қариндоши герцог олдин бурчскийга қарашли ерларнинг Францияга қўшиб олиниши. Бундан ташқари Наполеон ўзининг иттифокчиларига Россия империясининг территорияси хисобидан беришга ваъда қилиб, уларни ҳам урушга тортаётган эди.

Шундай қилиб 1812 йил 24 июнида французлар томонидан бошланган уруш Россияда Ватан урушига айланиб кетди. Бу урушда Россиянинг ҳарбий қисмидан ташқари бутун аҳолиси жону-тан бўлиб Ватан урушида қахрамонлик кўрсатди. Россия қўшинини қўидаги маршаллар бошчилик қилишди. М.Б.Борклой де Толли, генерал П.И.Богратион, ген.А.П.Тормосов, М.И.Галинешчев – Кутузов.

1812 йилнинг охирига бориб француз армияси енгилла бошлади. Буни сеза бошлаган Наполеон руслар билан сулҳ тузишни таклиф қилди. Лекин кескин рад жавобини олгандан сўнг, Наполеон урушни давом эттиришни маршалларга топширди, ўзи Парижга қараб йўл олди. Вильно ёнидаги жангдан сўнг рус халқи француз армияси устидан тўла ғалаба қилди.

Иккинчи савол баёни: Хитой узоқ асрлик тарихи давомида ўзининг шимолий чегаралари яқинида яшаган кўчманчи қабила ва халқларнинг босқинларига учради. XVII биринчи ярмида манжурлар бутун мамлакатни бўусундирдилар ва династияларини (Цин династияси) ўрнадилар. (1644 й.1912й).

Янги тарихнинг 1 даври капиталистик давлатларнинг Хитойга кириб келиши билан характерлидир.

Англиянинг Хитойга кўплаб афюн келтириши Хитой учун ҳақиқий кулфат бўлди. Инглиз ҳукумати Хитойга кўплаб қора дори келтириб, халқни захарлашга уринган. Бу эса халқнинг ҳақли равишда норозилигини вужудга келтирди. Биринчи Афюн уруши Хитой ҳукумати апаратининг тамом издан чиқиб кетганлигини, инглиз кўшинларининг конхўрлиги ва толончилигини кўрсатди.

Хитой учун тенг ҳуқуқли бўлмаган Нанкин шартномасини (1842 йил 29 август)га кўра Хитой портлари ташқи савдо учун, аниқроғи, инглиз босқинчилари учун очиб қўйилди: 1843 йилги қўшимча шартномага кўра, бу портлардаги сеттелментлар (район, шаҳар) ва концессиялар (консецияларни ижарага олиш) роли кучайди. Англиядан ташқари АҚШ ҳам 1844 йил 3 июлда ҳарбий эскадро билан Хитой ҳукумдорларини чакиртириб имзолашга мажбур қилди. Шундан сўнг 1844 йил 24 октябрда Франция Хитойга тенг асосда бўлмаган шартномани қабул қилдирди.

Бу шартномаларнинг қоидалари Хитой территориясидан истаганича фойдаланиш мамлакатни бож соҳасидаги ҳуқуқларидан маҳрум қилишни кўзда тутар, аҳолини камситар эди.

Хитойда тайпинлар ҳаракати деб машҳур бўлган бу йирик деҳқонлар ҳаракатининг сабаблари бор эди. Бу сабаблар Хитойга Англиядан арзон фабрика молларининг келтирилиши билан деҳқон-хунармандчилик ишлаб чиқаришнинг вайрон бўлганлиги, Панкин шартномаси бўйича катрибутцияни тўлаш билан Хитой деҳқонларига янги-янги солиқларнинг солиниши.

Қишлоқ ўқитувчиси Хун Сю-Цюан феодал зулмига қарши тенглик ҳаракати ғоясини ёйиб, Христиан динида алоҳида диний мазҳаб ташкил қилди. У ўзини Исо пайғамбарнинг укаси деб эълон қилди. Тайпинлар ҳаракатига деҳқонлардан ташқари хунармандлар ҳам қўшилди. Бу ҳаракатнинг ижтимоий программасида демократик жамият ташкил этиш ва сиёсий тенглик ҳамда ҳарбий ташкилот ишида қатнашиш ғоялари олдинга сурилди. Тайпинлар ўз давлатларини “Тайпин тянго” деб атардилар. Бу сўзнинг хитойча луғавий маъноси “Худонинг буюк роҳат-фароғат давлати” демақдир. Талантли лашкарбоши илгари қул ва хунарманд ишчи бўлган Ян Со-Цин бошчилигида 1851 йил охирига келиб 50 минг кишилиқ қўшин тўплаган эди. тайпин давлатидаги қайта қуришлар кўзғолоннинг ёйилишида катта рол ўйнади. Масалан: Тайпинларнинг “Ер тўғрисидаги қонуни” (1853) ерни ҳаммага тенг бўлиб

бериш тартибини ўрнатди. Кулчиликни бекор қилиш, феодалларни жисмоний жазолаш, жамиятдаги табақаларни тугатиш, хотин-қизлар озодлигини таъминлаш йўлидаги тadbирлар ва бошқа реформалар, тайпинлар қўзғолони, халқ қўзғолони феодал зулмига ва манжур династиясига қарши буюк деҳқон уруши бўлганлигини кўрсатди.

Кучсизланиб қолган Хитойга қарши Англия, Франция ва АҚШ босқинчилари уруш ҳаракатларини олиб бордилар. Хатто Пекинга кириб бордилар. Пекин шартномасини имзолашга мажбур этишди. Тайпинларнинг қаршичилигига қарамай Тайпин давлати 1864 йили кутилди.

Учинчи савол баёни: Янги давр бошида Ҳиндистон хали мустамлака ва қарам давлат бўлмасада, лекин Европанинг Олд-Ҳинд компаниялари мамлакатда мустахкам ўрнашиб олиб унга мустамлака асорати хавфини туғдираётган эди. XVII аср ўрталарида Ҳиндистоннинг катта қисми муғуллар давлати ҳукумронлиги остида эди. Ҳиндистондаги муғул династиясининг асосчиси Ўрта осийлик З.М.Бобур ўз қўшинлари сафини афғонлар ва эронлар билан тўлдирди, ҳамда 1526 йил Ҳиндистондаги Деҳли давлатига қарашли Иброҳимнинг хинд армияси устидан ғалаба қозонди. Мамлакатдаги сиёсий тарқоқлик туфайли ажнаби истилочилар мамлакатини осонлик билан эгаллашга имкон берди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида феодал муносабатлар кризиси бошланди. Халқ оммасининг анти феодал ҳаракатлари билан, айрим халқларнинг Муғул империясига қарши миллий ҳаракатлари бўлиб қўшилиб кетар эди.

Муғулларга қарши курашган жатлар, маратхлар ва сикхларнинг синфий состави ҳаракатларининг характер ва мақсадлари турлича бўлган эди.

Ўша пайтда Ҳиндистон соҳилларида Англия ва Франция Ост-Индия компаниялари ўртасида кураш кучайди. 7-йиллик уруш (1756-1763) Ҳиндистон учун кураш тақдирини ҳал қилди. Урушда ғолиб чиққан Англия Ҳиндистон территориясини босиб ола бошлади.

Англиянинг Ҳиндистонни мустамлака қилиш методлари – феодал давлатларнинг ўзаро урушларидан фойдаланиш, хиндларнинг армия ташкил этиш, амалдорларни сотиб олиш ва алдаш, ҳамда Англия, ост-Индия компанияси раҳбарлира қўллаган бошқа методлар мустамлака истилосини кучайтирди. Британия мустамлакачи маъмурларидан Р.Клайхв, У.Гостингс катта роль ўйнади.

XIX аср ўрталарига келиб, Ҳиндистоннинг катта-катта ўлкалари инглиз истилочилари қўлига ўтган, ажнабий мустамлакачилар мавжуд ярим мустақил хинд князларини ҳам узил-кесил тобе этишга киришган эди. Ҳиндистон Англия саноатининг кишлоқ хўжалик хом-ашё базасига айланиб бораётган, хинд меҳнаткаш оммасини эксплуатация қилиш авж олган, мустамлакачилик зулми ҳаддан ошган эди.

1857-1859 йиллардаги халқ қўзғолони хинд халқининг сабр-тоқати тугаганидан далолат беради.

Армия сафида бошланган синохилар қўзғолони кейинчалик деҳқонлар оммасини жалб этди. Қўзғолонга улуғ муғиллар династияси қакили бошчилигидаги хинд феодаллари бошчилик қилдилар. Қўзғолон Деҳли, Аут, Жханси ва бошқа шаҳарлара зўр куч билан ўтди. Мамлакатнинг катта қисмига ёйилди.

Деҳқон ва хунармандлар оммаси қўзғолоннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари эди. Бироқ қўзғолонга раҳбарлик қилиш инглизлар ҳукумронлигидан норози бўлсада, халқ ҳаракатларига раҳбарлик қилишга қодир бўлмаган феодаллар қўлида эди. Инглизларнинг ёлғон ваъдаларига учган феодал фўлбошчилари рақиб тарафига ўтиб кетишади. Лекин шундай бўлсада қўзғолон натижаси мустамлака режимини анча ижобийлаштирди.

1858 йили Англия парламенти ост-индия кампаниясини тугатиш, Ҳиндистонни бошқаришни Англия қироллиги ихтиёрига ўтказиш тўғрисида қонун чиқарди. Шундай қилиб Ҳиндистон Англиянинг мустамлакаси бўлиб қолди.

Тўртинчи савол баёни: Ўрта асрларда Эрон Осиёдаги йирик давлатлардан бири эди. Эронни бошқарган династиялар, жумладан янги Эрон шоҳлигини барпо қилган сафавийлар давлати ижтимоий иқтисодий турмуш даражасини турлича бўлган қабил ва халқлардан иборат бўлиб, жуда катта (Хуросон, Хирот, Кандахор, Белижустон, Шарқий Арманистон, Озарбайжон, Грузин подшолиги Эроннинг вассали бўлган) территориядан иборат эди.

XVII аср бошида Эронга бўйсундирилган халқларнинг шоҳ ва хонларга қарши ҳаракати ўсиб борди. Ислом динидаги 2 мазҳаб (шиа ва сунний) ўртасидаги зиддият кучайди.

Сафавий шоҳларга қарши XVIII аср бошида кўзғолон кўтарган афғонларнинг гильзай қабилалари 1709-1714 йилларда Эрон қўшинларига қатор зарбалар берди. 1722 йили Исфохонни қамал қилдилар.

Эрон-заифлашиб қолганларидан сўнг турклар 1723 йили мамлакатга қарши ҳаракатлар бошлади ва 1728 йили Закавказени, Эрон Озарбойжонни, Техронни эгалладилар. Эроннинг турли районларида авфғон кўзғолонлари бошланди. Бунда туркманларнинг афшор қабиласидан бўлган талантили ҳарбий йўлбошчиси Нодирқул шуҳрат қозонди.

1804-1813 йил Эрон-Россия ўртасида уруш бўлиб ўтди. Бу урушда Эрон мағлубиятга учради.

XIX аср ўрталарида Эронда шаҳар ва қишлоқ камбағалларининг ҳаракатларига бошчилик қилиш бобидлар мазҳаби асосчиси Бобиднинг шоғирдлари зиммасига тушди. Бобидлар ислом динидаги шайхлар мазҳаби бўлиб, улар ўз таъминотини пайғамбар авлодидан бўлган Имом Махмуд ғояиб бўлиб, инсонлар ўртасида адолатсизлик авж олганда яна пайдо бўлиши ғоясига асосланиб тузилган эди. Бобиднинг асл исми Саид али Муҳаммаддир. (1849й).

7-мавзу: XIX аср охири XX аср бошларида Осиё ва Африка мамлакатларининг озодлик ва мустақиллик учун курашлари. (2 соат)

Р е ж а:

1. Мустамлакачилик зулми ва Ҳиндистон халқларининг озодлик учун кураши.
2. Европа империалистларига қарши Арабистон ва Мисрда озодлик ҳаракатлари.
3. ШШШШимолӣ африка ҳудудларида истилочиларга қаршикураш.
4. Тропик ва Жанубий Африка мамлакатларида озодлик кураши.

Таянч тушунчалар:

Витце, Мусурмонлар лигаси, Тилак, Кесари, Триполитания, “Дамашк протоколи”, “Араб инқилоби”, симоре Турс, Кап колонияси, Хайле Селассия I.

Адабиётлар:

1. Новая история стран Азии ва Африки. Тубер. Г.Ф.Ким. 1975г.
2. Осиё Африка мамлакатларининг янги ва энг янги тарихи. З.Р.Нуриддинов. Т.,”Ўқитувчи”. 1982й.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошига келиб Ҳиндистонда капиталистик муносабатлар юзага кела бошлади. Мамлакатда иқтисодий ва ҳарбий мақсадлар учун темир йўллар қурилди. Унча катта бўлмаган йирик фабрикалар (Бамбей ва Калкутта) билан кичик капиталистик манифактуралар ривожлана бошлади.

Ҳиндистон Англия учун мустамлака, хом ашё базаси ва бозорга айланди,

миллионлаб хинд меҳнаткашларини эксплуатация қилиш кучайди. Мустамлака ҳукумронлиги натижасида деҳқонлар ахволи оғирлашиб борди. Мустамлакачилар ўз манфаатларини кўзлаб ихтисослаштириш кучайди. М.Бенгалия кўкнори ва коноп, Ассомда чой ва доривор экинлар, Марказий Ҳиндистонда пахта етиштириш ташкиллаштирилди. Бундай ихтисослаштиришлар деҳқонларни ерсиз қолдирди. Мамлакатда очарчилик, турли ўлимларнинг кучайишига олиб келди. Биргина 1876-1878 йили очарчиликдан 2,5 млн.га яқин хинд аҳолиси ҳалок бўлди.

Буларнинг ҳаммаси инглиз ҳукумронлигига қарши деҳқонлар қўзғолонига сабаб бўлди. Бу қўзғолонлар умум Ҳиндистон қўзғолонига айланиб кетмаган бўлсада, лекин халқнинг инглиз мустамлакачиларига маҳаллий помишчикларга қарши қаҳр-ғазабни акс эттирар, золимларни таҳликага соларди.

Ҳиндистон мулкдор синфларни бирлаштирган ва мамлакатдаги қонун-тартибот сақланишидан манфаатдор бўлган Ҳиндистон миллий конгресси партияси 1885 йили ташкил топди.

Ҳиндистон халқи миллий онгини уйғотишда миллий буржуа ҳаракатидан сўл радикал демократик қаноти катта роль ўйнади. Улар миллий конгресс партияси раҳбарини “келишувчилар”, “мўтадиллар” деб, ўзларини “ўта кетганлар” деб аташарди. Майда буржуазия ватанпарварларининг атоқли арбоби тилак эди.

Тилак – Тилак Балгангадхор (1856-1820) Ҳиндистон миллий озодлик раҳбари, олим мутаффакир. 1879й. Пуна шаҳридаги деканлар коллежини тамомлаган. Юридик бакалаври. У инглизлар томонидан 3 марта қамалган.

Ҳиндистон ижтимоий ҳаётида маълум из қолдирган арбоблардан бири Саид Аҳмадхон эди. У (1817-1898 йй) хинди тарафдорларидан бири. Саид Аҳмадхон диний низоларга сабаб бўлган арбоблардан эди.

Жаҳон бозорида АҚШ ва Германия инглиз капиталига жиддий рақобат бўлиб турган ва тазйиқ ўтказаяётган бир пайтда Ҳиндистон битмас-туғамас ресурси билан Англия зарарларини қоплаб туриши лозим эди. Англиянинг Ҳиндистондаги бу сиёсатини амалга ошириш Ҳиндистон вице-қироли, ашадий империалист Лорд Керзонга топширилган эди. Керзон хинд буржуазиясига нафрат кўзи билан қарар эди. У бир неча ислохотлар билан хинд миллий саноатини ташламоқчи эди.

а) пул ислохоти 1899й

б) таълим олишда университетлар ҳақини ошириш. 1904.

В) Бенгалияни 2 вилоятга ажратиш қўйиш. 1905й.

Бу тадбирлар инглиз мустамлакачилари томонидан амалга оширилган реакцион тадбирлар эди.

Ҳиндистонда ўша даврда инглиз-хинд ҳукумати зўр бериб авж олдирган диний, миллий, тоифавий зиддиятлар жуда кучайган эдики, бу ишчиларнинг кенг қўламда уюшқоқлик билан кураш олиб боришига жиддий ғов бўлди. Бу зиддиятларнинг авж олишига 1906 йил ташкил топган Мусурмонлар лигаси партиясининг фаолияти ҳам сабаб бўлди.

Ганди Махандас карамчанд (1869-1948йй) Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг кўзга кўринган намоёндаси У Гужарт князлигида бой хонадонда туғилди. 1893 йилгача Бамбейда Адвокат ҳуқуқий билимларни ўрганди. 1893 йилгача Бамбейда Адвокатлик қилди. 1919 йили Миллий конгрессга аъзо бўлиб кирди.

Иккинчи савол баёни: Миср халқи 70 йилдан ортиқ инглиз империалистларининг мустамлакачилик асоратига қарши кураш олиб борди. XIX асрнинг 2 ярмида инглиз мустамлакалари туркларни Мисрдан сиқиб чиқариб, мамлакатни эгаллай бошладилар. Инглиз мустамлакачиларини, аввало Мисрнинг арзон пахтаси қизиқтирган бўлса, кейин 1869 йил очилган Сувайиш канали мамлакатни тамом босиб олишга ундарди. Англия Мисрни ўзининг пахта базасига айлантирди, 1882 йили гуё “Европалик граждандар ўлдирилб юборилаётганлиги” бахонаси билан мамлакатни босиб олди, унинг устидан протекторат ўрнатди.

1919 йил мартада Мисрда инглиз мустамлакачиларига қарши халқ кўзғолони кўтарилди. Кўзғолон арафасида қоҳирада инглиз ҳукумронлигига қарши намоёишлар бўлиб ўтди. Бу намоёишларни қоҳира олий ўқув юртлари студентлари ташкил қилдилар. Шундан сўнг Миср деҳқонлари (фаллохлар) ҳам курашга кўшилдилар. 14-15 мартага келиб кўзғолон мамлакатнинг катта қисмига ёйилган эди. Инглиз маъмурлари кўзғолончиларни ўққа тутишди. Бунга жавобан кўзғолончилар казармалар ва харбий омборларни тор-мор этишди. Деҳқонлар ер эгаларининг уйларига ўт қўйишди. Кўзғолон тўла мустақиллик учун кураш, инглиз протекторатини тугатиш, ажнабий қўшинларни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш шиорлари остида ўтди. Миср озодлик ҳаракати тарихида 1 бор ишчи ва деҳқонлар катта роль ўнадилар. Халқ курашидан чўчиган Миср компродор буржуазияси хоинлиги туфайли кўзғолон бостирилди. Пекин шундай бўлсада Мисрда ишчилар ва деҳқонлар ҳаракати кўзғолон бостирилгандан сўнг ҳам давом этди.

1921 йил охири 1922 йил бошида Мисрда халқ кўзғолони кўтарилди. Кўзғолонга миллий буржуазия раҳбарларини қамокқа олиши сабаб бўлди. Мамлакатнинг барча йири шаҳарларида ишчилар иш ташладилар. Деҳқонлар помишчиклар уйларига ўт қўйдилар. Кўзғолон ўта шавқатсизлик билан бостирилди. Инглизлар мамлакатда ўз позицияларини сақлаб қолиш мақсадида 1922 йил Мисрда “Мустақиллик ҳақида декларация” қабул этиб, 1923 йил Миср учун “конституция” эълон қилинди. Бу билан буржуазияни рози қилиб, ишчиларга қарши курашни кучайтирди.

Инглизлар америка империалистлари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида миллий озодлик кураши ўсган бир пайтда исроил Давлати билан араб мамлакатлари ўртасида уруш мажораларини келтириб чиқардилар. Мақсад – араб халқларининг миллий озодлик курашига зарба бериш эди. Фаластин уруши Миср халқи озодлик курашини сусайтирмади, балки алангалатиб юборди.

Ҳеч бир қитъа мустамлакачилик асоратидан Африкадек кўп жабр чекмаган, таҳқирланмаган, беқиёс моддий ва маънавий шикаст кўрмаган.

Франция капиталистик мамлакатлар ўртасида биринчи бўлиб Африканинг шимолий ва ғарбий ўлкаларини эгаллаб олишга киришди. 1830 йили француз экспедицион корпуси Жазоирни ишғол қилди. Маҳаллий халқ босқинчиларга қарши қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Абдул Қодир бошчилигида 1832 йили бошланган халқ кўзғолони 1847 йилгача давом этди. Ранцуз истилочилари бутун Шимолий Африкани ўз таъсирига олиш учун 1844 йили Марокашга юриш бошлади.

Капиталистик мамлакатларнинг Африкага кенг кўламда кириб келишига Сувайиш канали қурилиши йўл очди. Ҳозирги Сувайиш канали ўрнида эрализга қадар “Фиръавнлар канали” номли канал бўлган. Бу канал ўзаро урушлар туфайли бир неча бор хароб этилиб, кейин қайта тикланган эди. Рим императорларидан Троян III (“троян дарёси”) номи билан қайта тикланганлиги тарихдан маълум.

Ҳозирги сувайиш каналининг қурилиши тарихи янада характерлидир. Канал қозиш учун италян ва француз савдогарлари бир неча бор ҳаракат қилган. Ниҳоят француз савдогари Фердинанд де Лессенс 1854 йили Миср ҳукумдори Саид пошшодан канал қуриш ҳуқуқини олади. Унинг лойихасини француз инженери Линан ва Мужель ҳамда Италиян инженери Негрелли ишлаб чиққанлар. Сувайиш канали 173 км. бўлиб, унинг кенглиги 120-150 метр. Канал Осиё билан Европани, африка билан Европани боғловчи энг катта сув йўлидир.

Англия Мисрни эгаллагач Суданга юриш бошлади. 1898 йилга келиб Англиянинг мустамлакасига айланди. Қаттиқ жанглардан сўнг 1896 йили ҳозирги гана территориясидан Ашанти давлати пойтахти кумасини эгалладилар. 1887 йили ҳозирги Кения қирғоқларига забт этилди. 1890 йили инглизлар Ньясалендни эгаллаб олдилар. 1894 йили Буганда ва Угандаги қўлга киритдилар. 1898-1899 йили инглиз империализми Шимолий-Ғарбий ва Шимолий-Шарқий Родезияга хўжайинлик қила бошладилар.

Франция 1881 йили Тунисни ишғол қилди. 1895 йили Мадагаскар оролини эгаллаб олди. Француз империализми Ғарбий ва экваториал Африканинг жуда катта қисмини, кейинчалик Морокконни катта қисмини босиб олди. Қолган қисмини Испания босиб олди.

Италия XIX аср 60-йиллари бошида Ассом қўлтиғини босиб олиб, Эфиопияни забт этишга тайёргарлик кўра бошлади. Италия бошқа империалистик давлатлар сингари Самоли ярим оролини тақсимлаб олишда қатнашди. 1912 йилги Италия-Турки урушидан кейин Ливияни босиб олди.

Хонго давлати бу вақтда Белгия кироли мулкига айлантирилганди.

Койзер Германияси 1884 йили жанубий-ғарбий Африканинг катта қисмини Того ва Камерунни босиб олди.

Африка халқлари чет эл истилочиларига қарши қаҳрамонона курашдилар, кучлар тенг бўлмаган тақдирдагина енгилдилар. Африка тарихи яна шундан далолат берадики, бутун қитъа халқлари мустақиллик олгунларига қадар мустамлакачиларга қарши тинимсиз кураш олиб бордилар. 1880-1883 йилларда инглиз мустамлакачиларига қарши Босутоленд халқининг катта қўзғолони кўтарилди.

1879 йили Африкадаги зулус халқлари мохир саркарда Кетчвайто кумондонлигида инглизларнинг 1,5 минг кишилиқ отрядини тор-мор этдилар. Ғарбий Африкада ҳозирги Мали территориясидаги халқлар атоқли ҳарбий саркарда ва давлат арбоби Саморе Туре бошчилигида француз қўшинларига қарши 16 йил кураш олиб бордилар ҳамда кўп ҳолларда муваффақиятга эришдилар. XIX асрнинг 80-йилларига қадар Жазоирда бир неча бор халқ уўзғолонлари бўлиб ўтди. 1859 йилда Бону Снассен раҳбарлигидаги қўзғолон; 1871-1872 йилларда Мукрони йўлбошчилигидаги бўлиб ўтган қўзғолон бунинг яққол далилидир.

8-мавзу: Биринчи жаҳон урушидан кейин мустамлака улкалардаги халқ ҳаракатлари. (4 соат)

Р е ж а:

1. Туркияда миллий озодлик ҳаракати.
2. Корея ва Хитойда Япон агрессиясига қарши миллий озодлик кураши.
3. Хинд миллий конгрессининг мустамлакачиликка қарши кураши.
4. Африка XX асрнинг биринчи ярмида озодлик сари машаққатли йўл.

Таянч тушунчалар:

Мустафо Камол, “Севр шартномаси”, капитуляция тартиботи, Гоминдон, Чен Кайиш, КимИр Сен:, Ганди Жавахирлаъл, “Неру: Хинд Миллий Конгресси”, Фуад I, “Вафд Мисри”

Туркия Россиядаги октябрь революцияси ғоялари таъсирида миллий озодлик курашига айланган дастлабки мамлакатлардан бири бўлди. Россияда октябрь революцияси ғалаба қилган пайтда Туркия герман блоки томонидан туриб, Кавказ ва Қора денгизда Россияга қарши уруш олиб бораётган эди.

Россиядаги октябрь революцияси туфайли халқаро империализмнинг Туркияни тақсимлаб олиш плани барбод бўлди, уни ярим мустамлакачиликка айлантириш режалари барбод бўлди. Биринчи жаҳон уруши йилларидаёқ Германия, Туркияни молиявий ва ҳарбий вассалга айлантирган эди.

Биринчи жаҳон урушида Австрия-Германия блоки мағлубиятга учрагандан сўнг, Антанта давлатлари Туркия империясига қарашли Сурия ва Ироқни бочиби олибгина қолмай, Туркияни ўзини ҳам тақсимлашга киришди. Мана шундай пайтда “ёш

турклар” ҳукумати халқ оммаси тазйиқи билан 1918 йил 7 октябрда истефо беришга мажбур бўлди. Ҳукумат тепасига “Озодлик ва тотувлик” партияси келди. 1918 йил 30 октябрда Туркия Эгей денгизидagi мудрос портида АНТАНТА давлатлари билан ўзи учун асоратли яраш битимини имзолади.

1918 – 1919 йилларда россиядаги октябр революцияси таъсирида Туркияда коммунистик группалар революцион касаба союз ташкилотлари тузиш ҳаракати кучайиб кетди. Коммунистик группалар халқ озодлик курашига бошчилик қила бошладилар. 1919 йилда Стамбулда Туркия ишчи деҳқон социалистик партияси ташкил топганлиги ҳам озодлик ва мустақиллик учун кураш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Турк халқининг миллий озодлик курашида мамлакат буржуазияси ҳам унга хос роль ўйнади. Миллий буржуазия компрадор буржуазиядан фаркли ўлароқ мамлакат мустақиллигини сақлаб қолиш ва сиёсий-иқтисодий ахволини яхшилаш учун курашди. Турк миллий буржуазияси ҳаракатига атоқли сиёсий ва ҳарбий арбоб – Мустафо Камол Отатурк бошчилик қилди. 1934 турк мамлакати Отатурк номини берган).

Туркиядаги миллий озодлик ҳаракатини бостириш учун Антанта давлатлари энг янги техника билан қуролланган грек мунтазам армиясини юборди. Турк халқи истилочиларга қарши ўз озодлиги ва мустақиллиги учун мардонавор кураш олиб бордилар.

1920 йил 10 августда имзоланган “Севр” (Париж яқин шарқ) шартномаси Туркияда империалистлар таъсири янада кучайишига, таслимчилик режими такомиллашишига ва мамлакат молияси устидан Антанта империалистларининг назорат ўрнатишига олиб келди.

1921 йил 16 мартда Москвада дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида совет-турк шартномаси имзоланди. Шартнома бутун мамлакат бўйлаб турк халқ оммаси ҳаракатига янги куч бағишлади. Бу шартнома турк халқи кучларини мустаҳкамлади. Унинг миллий озодлик курашини хал этувчи ғалабаларга олиб келган омиллардан бири бўлди. Туркия 1922 йили Антанта интервенцияси қўшинларини тор-мор этди, мамлакат империалистлар асоратидан сақлаб қолинди. 1923 йили Лозанна конференциясида ғарб давлатлари Туркия мустақиллигини эътироф этди. 1923 йил октябрда Туркия Республика деб эълон қилинди. 1924 йили республиканинг конституцияси қабул қилинди.

Иккинчи савол баёни: Илгари Россияда яшаган корейсларнинг Россиядаги Октябр революциясидан сўнг ўз ватанларига қайтишлари (100 мингдан зиёд) Кореяда революцион вазиятга таъсир кўрсатди. Октябр революцияси ғалаба қозониши билан илҳомбахш Марксизм-Ленинизм ғоялари мазлум Кореяга ҳам кенг равишда кириб кела бошлади.

“октябр ғалабалари натижасида” – деган эди ўртоқ Ким Ир-Сен – Кореяда Марксизм-Ленинизм ғоялари пайдо бўлди ва тез ёйилди. Аста-секин Корея миллий озодлик кураши учун назарий асос яратилди ва Япония Кореядаги позициясини бўшаштирди. Кореяда меҳнаткашларнинг озодлик кураши принциплари асосида тенглик, мустақиллик учун кенг халқ ҳаракати кучайди. Бу кураш 1919 йилда айниқса жадаллашди. Корей халқи америкалик ва пон империалистларига қарши халқ партизан урушларини олиб борди. 1919 йил мартда Кореяда антиянон намоёишлари бошланиб кетди. 500 мингга яқин кишини, 211 уездни ўз ичига олган кучли халқ намоёиши бошланди. Бунга жавобан халқ ҳаракати катта қўзғолонга айланди. Халқ ҳаракатининг асосий кучлари деҳқонлар эди. 1919 йил март-апрел ойларидаги чиқишлар нихоятда кенг қўлама бўлди. Лекин Япон империалистлари қўзғолонни шавқатсизлик билан бостирди. Қўзғолон мағлубиятга учраган бўлсада, лекин у қўзғолон корейс халқига келажакдаги курашлар учун сабоқ бўлди. 1929-1933 йиллардаги жаҳон капитализмининг иқтисодий кризиси вақтида япон ҳукумати ўз

мустамлакаси бўлган Кореяни талаш хисобига кризисдан қутилмоқчи бўлди. Бунинг оқибатида Кореяда ҳақли равишда ишчи-деҳқонларнинг норозичилигини келтириб чиқарди. Японларга қаттиқ зарба берган партиядан ҳаракати кучайиб кетди. Шу йилларда корей халқи йўлбошчиси Ким Ир Сен йирик партиядан ҳаракатига йўлбошчилик қилди. Ким Ир Сен 1912 йилда туғилган. У Манжурияда ўқиди. Манжурия ва Кореяни япон босқинчиларидан озод этишда актив қатнашди.

Хитойда 1919 йил майида бошланган кенг миллий озодлик ҳаракати аввало АҚШ ёрдамида ҳаракат қилаётган япон империализмига қарши ҳаракати эди. 4-5 май май ҳаракати деб машҳур бўлган бу ҳаракат Хитой халқи озодлик курашининг янги даврини бошлаб берди. 1919 йил 4-5 майда 50009 пекинлик студент Версал конференцияси Германиянинг Шандундаги концессия ҳуқуқларини Японияга берганлигига қарши норозилик билдирди.

Стунедтлар ва дипломатик руҳдаги зиёлиларнинг 4-5 май ҳаракати “Хитой хитойликлар учун!” шиори остида Япониянинг 21 талабига бўйсинмаслик руҳи остида ўтди.

1924 йили Хитойда умуммиллат fronti ташкил топди. Сун Ят Сен Хитой халқини озод этиш революцияси ва рус коммунистлари тажрибасига мурожаат қилди. Ягона фронт ва революцион армия Гуандун вилоятини революция базасига айлантирди. Гуандуннинг шарқий қисми инглизлардан озод этилди.

Миллий буржуазиянинг революцияни бостириш йўлидаги урушлари, Чан Кай-Шиннинг Сун-Ят-Сен васиятларига “Содиклик” никоби остида революцияни буғиб ташлаш)1926 йил март конт. Рев-он урушига) интилиш мамлакатда контрэн кучлар ҳам тинч ётмаганлигини кўрсатади.

Учинчи савол баёни: Ҳиндистон ишчилар синфи анти империалистик курашда катта роль ўйнади. Унинг иш ташлаш ҳаракатлари кучайди. Жумладан, 1918 йил декабрда Бомбай тўқувчилари бошлаган йирик иш ташлаш инглиз империалистларини ташвишга солиб қўйди. Ишчилар синфи ўз ахволларини яхшилаш учун миллий буржуазияни миллий озодлик ҳаракатида қўллаб қувватлай бошлади. Миллий буржуазия йўлбошчиси Махатма Ганди ўша пайтда аниқ формада бўлмаса ҳам лекин хинд халқи кенг табақаларини курашга қўзғатган миллий мустақиллик шиорини эълон қилди.

Иш ташлаш ҳаракатлари давомида ишчи ташкилотлари вужудга кела бошлади. Уруш пайтидан бери танмаган деҳқон ғалаёнлари яна кенг кўламда кўтарила бошлади. Бундай кенг кўламдаги чиқишларга катта миллий конгресс аъзолари Ганди ва Нерулар ҳар томонлама ўз ёрдамларини бериб бордилар.

1935 йили Англияда Ҳиндистоннинг янги конституцияси қабул қилинди. Конституция бошқаришнинг федератив системасини белгилади.

Неру (1889-1964 й) У ўсмирлик йилариданоқ миллий озодлик ҳаракатларида қатнаша бошлади. У Ҳиндистон миллий конгрессига аъзо бўлиб кирди ва тезда унинг раҳбарларидан бири бўлди.

9-мавзу: Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустақиллик урушлари курашининг янги босқичлари. (4 соат)

Р е ж а:

1. Лотин Америкасида АҚШ зулмига қарши кураш.
2. Шимолий Америкада озодлик учун ҳаракат.

3. Тропик Африкада мустамлакачиликнинг барҳам топиши.
4. Жанубий Африка апаратлигининг тугатилиши.

Таянч тушунчалар:

Че Гевера Эрнесто, Кариб инқироzi, Жамол Абул Носир, Эркин зобитлр, Анвар Саодат, Миллий Озодлик Фронти: Эвиан битимлари. Муаммар Кадрaфий Лушамба Патрис, Агаcтинью Нетто.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг африка қитъасининг шимолида бир қанча давлатлар ўзларининг мустақиллиги йўлида миллий озодлик курашларини олиб боришди. Булар жумласига жазоир, Эиопия, Тунис, Ливия, Марокaшни олишимиз мумкин.

Жазоир: - бу давлат Африканинг шимолий-ғарбий қисмидаги давлат. Жазоир 1830 йилдан 1962 йилгача Франция мустамлакаси эди. Халқ оммасининг мустамлакачиларга қарши кураши иккинси жаҳон урушидан сўнг кучайди. 1954 йилдаги кўтарилган кўзғолонга мамлакат ватанпарварларини ўзида бирлаштирган “Миллий озодлик фронти” раҳбарлик қилди. Жазоир халқини мустақиллик учун олиб борган қонли кураши урушни тугатиш ҳақидаги Эвиан шартномасини имзоланиши 1962 йил 18 март ва кейинчалик Жазоирнинг мустақил деб эълон қилиниши билан тугалланди. 1962 йил 3 июлда мамлакатда референдум ўтказилгандан сўнг, Жазоир мустақиллигини тан олди.

Эфиопия шимолий шарқий африкадаги мамлакат. 1935 йилда Италия яна Эфиопияга ҳужум қилди ва уни босиб олди. Уни ўзининг Шарқий Африкадаги республикаси деб эълон қилди. 1941 йилда партизанлар инглиз кўшинлари билан бирга Эфиопияни озод қилдилар. Император даврида Эфиопия феодал-крепостнойлик системаси ўрнатилган эди. Аҳоли феодаллар, миллий ва черков зулмидан жафо чекарди. 1974 йил февралда мамлакатда монархия феодал тузумга қарши инқилоб бошланди, унга курулли кучлар бошчилик қилди. 19764 йил 22 сентябрда Эфиопияда императорлик тугатилиб, Республика ўрнатилди.

Туниш – бу давлат африка Шимолида жойлашган давлат Тунис 75 йил давомида Франция мустамлакаси бўлиб келган давлат. Тунис 1955 йил мартда мустақилликка эришди. 1957 йил Монархия тугатилди. Тунис Республикаси деб эълон қилинди. 1963 йили Франция ўз харбий денгиз базасини олиб чиқиб кетди.

Марокaш – бу давлат Африканинг шимолий-ғарбидаги давлат. 1912 йилда Франция, Марокaшнинг протекторатини қабул қилишга мажбур қилди. Мамлакат 3 қисмга Франция, Испания ва “Халқаро – Танжер” зонасига бўлиб юборди. Марокaш халқининг миллий озодлик кураши туфайли 1956 йилда мустақилликка эришди. Шу йилнинг ўзидаёқ собиқ испан зонаси устидан ўрнатилган протикторият ва Танжердаги режим бекор қилинди.

Импералист давлатлар ўз мустамлакачилик ҳукумронликларини урушдан кейин ҳам тўлиқ сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар, арзимас ислоҳатлар билан маҳаллий халқ оммасини чалғитиш ва юпатишга уруниб кўрдилар.

Импералистлар айни маҳалда мустамлака ва қарам мамлакатларида қатъий жазо чораларини қўлладилар. Англия мустамлакачилари 1949 йили Угандадаги, 1952-1956 йиллари Кениядаги халқ кўзғолонларини ўта шавқатсизлик билан қонга ботирдилар.

Маълумки иккинчи жаҳон уруши капиталистик системадан жумладан, асосий мустамлакачи давлатлар – Англия, Франция, Бельгия, Голландияда анча заифлашган ва аксинча миллий озодлик курашининг ўсиши кучайди. Мамлакатларда миллий озодлик курашининг кенг кўламда ривожланиши учун ҳам ташки, ҳам ички шарт-шароитлар пайдо бўлди.

Бундай шароитда қитъа халқларининг мустамлака асоратига қарши курашувчи

регионал ташкилотлари кўплаб ташкил топа бошлади. 1946 йил октябрда Бомоко (Мали)да йиғилган конгресс Африка Демократик Бирлиги (АДБ) партияси тузишга қарор қилди. Ғарбий Африкадаги ҳар бир француз мустамлакасида бу партиянинг секциялари ташкил этилиб, улар миллий ва ижтимоий озодлик учун кураш олиб бордилар. Кейинчалик бу партия секциялари Того, Комерун, Француз Сомалиси территорияларида ҳам ташкил топди. Бу партия 1946-1950 йилларда 1 млн.га яқин аъзога эга бўлиб, француз капиталистик партияси ва бошқа прогрессив ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борди.

1949 йил Ганада халқ конвенци партиясига асос солинди. Бу партия мамлакатда дарҳол мустақиллик бериш талаблари билан чиқди.

Докарда 1947 йили умум африка қасаба союзларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда қитъадан 19 мамлакат қасаба союз вакилари ҳаракати қитъа халқларининг озодлик курашида муҳим роль ўйнади. Ёшлар ҳаракатининг кўпгина раҳбарлари кейинчалик озодлик ҳаракатининг йирик сабабларига айландилар.

Африка халқлари миллий мустақилликка жуда катта қийинчиликлар, революцион жангу жадал билан эришганликларини қитъада сўнгги 100 йил ичида мустамлакачилар 130 дан ортиқ йирик уруш ва жазолаш операциялари ўтказилганлиги ҳам яққол тасдиқлайди.

Африка қитъасининг деярли барча мамлакатларида 60-70 йиллардаги миллий озодлик революциялари икки босқични босиб ўтди. Биринчи босқичда: шу мамлакатдаги ривожланган кучлар билан бир қаторда миллий буржуазия ҳам актив ҳаракат қилди. Миллий озодлик ҳаракатлари ғалаба қозонгач, яъни сиёсий ҳокимият қўлга киритилгач, миллий буржуазия революциядан чекина бошлади. Миллий озодлик курашининг иккинчи босқичида яъни меҳнаткашлар манфаати кўзланиб, ислохотлар ўтказилган даврда миллий буржуазия революцион курашидан амалда чекинибгина қолмай, контрреволюцион кучга айланди. Оқибатда миллий озодлик кураши сафларида ажралиш содир бўлди.

1963 йил майда Аддис-Абебада (Эфиопия) қитъасидаги 31 мамлакат давлат ҳукумат бошлиқлари Африка Бирлиги Ташкилоти (АБТ) ни тузди. 25-май Африка озодлиги куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Адабиётлар:

- 21. Новая история стран Азии и Африки. Губер Г.Ф.Ким 1975г.**
- 22. И.Авдиев “Қадимги шарқ тарихи”. Т.,1956.**
- 23. Струе “Гасударства Лагаш Барба за расширение гражданского в лагаше XXV-XXIV век до.н.э.м. 1961 г.**
- 24. В.М.Массон. “Средняя Азия и Древний Восток”. М. 1964 г.**
- 25. В.И.Авдиев. Қадимги Шарқ тарихи. Т.,1956г.**

26. В.Ф.Семёнов. Ўрта асрлар тарихи. Т.,1973.
27. История средних веков. 1-том. Бройн И.Г. М.,1991г.
28. Древние германцыю сборник документов. М.,1993г.
29. История средних веков. Удадьцова Карлоза М.
30. В.К.Кодиров. Ўрта асрлар тарихини ўрганиш масалалари. Фан. 1990й.

